

А.С.ЭРКИНОВ

МАТНШУНОСЛИККА

К И Р И Ш

Тошкент - 1997

*Ўзбек тили Доимий
Анжумани йиғинига*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

А.С.ЭРКИНОВ

МАТНШУНОСЛИККА КИРИШ

**Олий ўқув юртлари филология
факультети талабалари учун
қўлланма**

**Маъсул муҳаррир:
Султонова Қумрайон**

Тошкент - 1997 йил

Республика таълим маркази қошдаги
она тили ва эски ўзбек ёзуви бўйича
Илмий-методик кенгашининг 1997 йил
13 февралдаги йиғилишида тасдиқланган
ва нашрга тавсия этилган.

Ушбу кўланмада матншунослик мақсад ва вазифалари, энг
муҳим тушунчалари ҳақида ўзбек адабиётшунослиги ва
матншунослиги ютуқлари асосида умумий маълумот берилади.
Кўланма, асосан, ўзбек классик адабиёти матнлари билан
шугулланишга йўналиш бериш мақсадида яратилди. Ундан
умуман матншуносликка қизикқан ўртоқлар ҳам фойдаланиш-
лари мумкин.

Такризчилар: проф. С.Аширбоев, проф. Қ.Содиқов,
доц. Л.Халилов, доц. У.Долимов

К И Р И Ш

Ўзбек адабиёти узоқ тарихга эга бўлиб, салкам икки миң йиллик даврни қамраб олади. Ана шу адабиёт намушаларининг кўп қисми турли-туман матилар ва қўлёзмаларда акс этган. Сўз санъати матн билан ўзлигини атрофдаги намоён эга олади. Хусусан, халқ оғзаки ижоднинг фарқли равишда, лекин адабиёт матисиз мавжуд бўла олмайди. Бу унинг номлашишидананоқ равшандир.

Маълумки, ҳар қандай исарда ижодкор ифодалаган фикр, шит ва ядиб маҳорати масалалари билан адабиётшунослик шугулланади. Бадий асар эса, бевосита матида ўз ифодасини топади, мухрланади. Асарнинг матида берилшини, ушбу асарнинг вужудга келишин жараёнидаги мат. билан боғлиқ жиҳатлар адабиётшуносликнинг узвий бир қисми бўлиши матишунослик фанида ўрганилади.

Ўтмишда асарлар қўлда кўчирилган ва ижодкор меросининг унинг ўз қўли билан ёзиб қолдирган нусхалари - дастхатлар камдан-кам ҳолларда бизгача етиб келган. Кўшичга асарлар даврлар ўтишин билан турли қотиблар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, шонр ёзган матидан узоқлаша борган. Асарни таҳлил этиш, ёзувчи ижодига объектив баҳо бериш учун эса унинг асл матини, қеч бўлмаганда асл матига яқин турган нусхага эга бўлиши керак. Шу ўринда илмий тадқиқот учун матишунослик ёрдамга келади ва шонр яратган асл матига иложан боришга яқин матини яратиб ёки уни тиклаш ишини амалга оширади.

XX асрнинг аввалларига келиб шароит ўзгарди. Матбаа ва нашр қилиш ишларининг юзага келиши билан ижодкор асарларининг қораламасидан тортиб, то турли нашрларигача китобхонларнинг танқидий назарига туша бошлади. Матишуносликнинг ҳам тадқиқот манбаи кенгайди. Илмий-танқидий ва илмий-оммабон нашрларни яратиб шу манбаларни тайёрлаш принципларини ишлаб чиқишдан иборат тадқиқот ишлари билан кўшиб олиб борила бошлади. Бу ишга, айниқса, Алишер Навоий тутилган кунининг 500 йиллиги арафасида жиддий киришилди. Кейинчалик эса, йиллар оралиб Навоий асарларининг илмий-танқидий матилари юзага кела бошлади. Жумладан, "Хамса" (П. Шамсиев тайёрлаган), "Хазоинишул маоний" (Х. Сулаймонов), "Мезонул авзон" (И. Султон), "Дайли ва Мажнун" (Г. Каримов), "Мажолисун

нафонс" (С. Ганиева), "Лисонут тайр" (Ш. Эшонхўжаев), "Садди Искандарий (М. Хамидова) ва бошқа асарларнинг илмий-танқидий матнлари яратилди. XX аср адабиёти намояндаларидан Хамза, Ойбек, Ҳ. Олимжон ва Ғ. Гулом меросларининг мукаммал академик нашрлари чоп этилди. Ўзбек матншунослиги учун бу таҳсинга лойиқ бир ҳолдир.

Шарқда матн ва матншуносликка қадимги даврларда ҳам адабий ҳаётнинг муҳим бир ҳодисаси сифатида қараганлар. Алишер Навоийнинг бадиий асарлар матни ҳусусида Абдурахмон Жомий билан суҳбату ёзишмалари, бир нуқтаги бежо кўйиши билан кўзни айлантириб қуювчи саводсиз котиблар ҳақидаги танқидий фикрлари бунинг мисоли бўла олади. Шоирларнинг бу соҳадаги панду ўғитлари биз учун ҳам дастуруламал бўлди. Профессор Е. Э. Бертельс, А. Фиграт, С. Айний, А. Бокий, П. Шамсиев, С. Муталлибов, Ғ. Каримов, А. Қаюмов, А. Хайитметов, С. Ганиева, В. Раҳмонов каби олимларимиз илмий-танқидий ва оммабон нашрларга матншуносликнинг юқори талаблари асосида ёндошдилар. Натижада, кейинги йилларда ўз вақтида бир мароғаба илмий-танқидий матн тузилган асарларни водир мавбалар асосида янгидан кўлга олиш ҳоллари рўй бера бошлади. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий номидаги Адабиёт институти ва Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти илмий жамоалари томонидан ҳамкорликда тайёрланиб чоп этила бошлаган Алишер Навоийнинг "Мукаммал асарлар тўплами" 20 томлигини ўзбек матншунослигидаги катта ишларидан деб қараш мумкин. (Бугунги кунда унинг ўн экинчи томи чоп этилди).

Бироқ, ҳали бу йўналиш бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг кўлами ниҳоятда катта бўлиб, бу муаммоларнинг ҳал этилиши ҳар жиҳатдан кўплаб ёш малакали мутахассисларни етиштириши билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳали ўзбек ва умуман, Шарқ адабиёти матншунослигининг талайгина назарий масъалалари атрофлича ишлаб чиқишга муҳтож. Бу соҳа бўйича ўзбек тилида дарслик ва қўлланмалар йўқ. 1983 йили "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси саҳифаларида матншунослик бўйича баҳс бўлиб ўтган эди. Унда бу соҳага эътиборни кучайтириш тўғрисидаги фикрлар билдирилди, аммо кейинчалик бу масала яна сусайиб қолди. Шу боис матншунослик соҳасига

эътиборни олвий ўқув юртларидан бошлаб кучайтириши, талабаларни бу соҳа бўйича мутахассис бўлишга жалб этишга рағбатлантириши ниятида биз ушбу қўлланмани яратдик. Талабалар бу қўлланма билан танишиб, матншунослик фанининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил этиб, эски ўзбек ёзувидаги қўлёзмаларни ўқиш ва улар билан ишлаш йўриғини оладилар, деб ўйлаймиз.

Қўлланма назарий ва амалий қисмлардан ташкил топган бўлиб, эски ўзбек ёзувини ўқий оладиган, ўзбек мумтоз адабиёти хусусиятларига доир умумий тасаввурга эга бўлган талабаларга мўлжаллаб ёзилган. Эски ўзбек ёзувидаги қўлёзма ва тошбосма нашрлар билан ишловчи талабалардан ташқари, қўлланмадан (эсосан, назарий қисмдан) XX аср адабиёти матншунослиги билан қизиққанлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Шарқ адабиёти матншунослиги бўйича алоҳида назарий адабиётлар бўлмагани боис, биз қўлланмани яратишда матншунослик соҳасидаги турли илмий ва методик тадқиқотлардан фойдаландик.

Ушбу қўлланмани яратиш жараёнида ўз маслаҳатлари билан бизга йўл-йўриқ кўрсатган, мулоҳазалари билан ўртоқлашган илмий раҳбаримиз Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти директори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Азиз Пулатович Қасимовга ва шу институт бўлими бошлиғи, филология фанлар доктори Қосимжон Содиков, филология фанлари номзоди Зоҳиджон Исломов ва илмий ходим Абдурасул Эшонбобоевларга миннатдорчилик билдираман.

I ҚИСМ

МАТНШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

МАТНШУНОСЛИКНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Матншунослик асар матни тарихини ўрганади. Бу асар тарихга оид ёки бадиий асар бўлиши мумкин. Матн тарихини ўрганиш асарнинг гоёвий-бадиий таълиқи ва таҳлили ҳолисона олиб борилишини таъминлайди. Фақат илмий-таъқидий матн яратилган тақдирдагина асарнинг ҳар томонлама муқиммал таҳлилини амалга ошириши мумкин.

Ўтмиш ва ҳозирги адабиёт учун матншуносликнинг мақсадлари фарқланади. Янги давр адабиётида асар матнининг дастлабки қораламаларидан тортиб, то ижодкор ҳаётлигидаги энг сўнгги нусхаси юзага келгунгача бўлган даврдаги ўзгаришлар ўрганилади. Ўтмиш адабиёти билан боғлиқ матншунослик учун матн яратилган даврдан то бугунги кунгача бўлган оралиқдаги ўзгариш ва асар нусхалари орасидаги фарқлар аҳамиятлидир. Чунки ўтмишда яратилган асарларнинг ижодкорлар кўчирган дастхат нусхалари камдан-кам ҳолдагина сақланиб қолади. Шундан келиб чиққан ҳолда, айтиши мумкинки, матншунослик ўтмиш адабиёти билан шуғулланганда, асосан, адиб яратган матнга иложи борича иқтидор матнини тиклаш билан шуғуллашади. Бундаги мақсад асар илмий-таъқидий матнини нашрга тайёрлаш бўлиб қолади.

Янги давр адабиёти матншуносликнинг объектига айланганда, мавжуд материал ва имкониятларининг кўпчилиги - бир асарнинг дастхат, бир неча вариант ва ёшир нусхаларининг мавжуд бўлиши таъқидот жараёнини кенгайтиради. Энди матншунослик асарнинг ижодкор ҳаётлигидаги олдинги нусхасини таянч матн сифатида нашрга тайёрлашдан ташқари, бу матнгача бўлган ижодий жараёнини ҳам ўрганиши имкониятини эга бўлади. Ёзувчи-ижодкор шяхс. У бир яратган

асарини вақт ўтган сари ўзгартириб тахрир этиши мумкин. Ҳатто уни навиёр эттиргандан сўнг ҳам муқаммаллаштириши, кейинчалик бутунлай ўзгартириб навиёр қилиши эҳтимоли йўқ эмас.

Китобхон учун асар ёзувчи томонидан гўё бир мартабада ёзиб тугатилгандай кўринади. Ваҳоланки, шу даражага етгунча ижодкор бадиий асарни бир неча нуска, қораламаларда, ўзгартириши ва тузатиши билан ўз нигоҳидан ўтказган бўлади. Муаллиф ўз асарини энг сўнгги, китобхонга ҳавола қилинган нускадан ўқинишини истайди. Лекин матншунослик асар шу кўринишга келгунча қандай йўлни босиб ўтганлиги, яъни матн тарихини ўрганади, шу тарихда ижодкор лабораториясини текширади. Аммо ўтмишда янагая шoirларнинг ижодий лабораториясини ўрганиши учун имкониятлар анча чеклиган. Орадаги давр, ҳатто, кўшмаб ижодкорлар асарларининг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келган.

Бироқ, баъзида, мустасно ҳоллар ҳам учраб туради. Масалан Алишер Навоийнинг 1491-1498 йилларда ўзи тузган, тўрт китобдан иборат "Ҳазоинул маоний" девони бизга яхши маълум. Лекин бу тўшламга кирган шеърларнинг ичидан, аввалига, Навоий ихлосмандлари томонидан 1464-65 йилларда тузилган "Илк девон" /шартли тарзда шундай аталган/, сўнг Навоийнинг ўзи тузган "Бадоеъул бидоя" /1476 йили тузилган/ девонидан ўрни олганлари ҳам бор. Ёки бўлмаса, Навоий ўзи тартиб берган "Наводирун ниҳоя" /1480-1487/ девонидан шеърий меросини ҳам кейинчалик "Ҳазоинул маоний" таркибига киртади. Демак, Навоийнинг айрим шеърлари, кўни билан, таъминан, 30 йилдан кейин янги тўшламга киритилмоқда. Бу шеърлар сўнгги девонга киритилмаётганда, Навоийнинг тахриридан ўтиб сайқал толган. Шеърларнинг девондан-девонга ўтиб боришидаги ўзгаришлар ҳам адабвёт тарихи, ҳам матншунослик учун аҳамиятли бўлиб, шoirнинг ижодий лабораторияси ҳақида маълумот беради.

Ҳозирги матншуносликнинг бош методик тамойили асарнинг бирор ялоқча қисминини эмас, балки ҳаммасини яхшиликда ўқини ва тўтри ўқинидан иборат.

Матншуносликнинг назифалари, асосан, қуйидагилардан иборат:

1. Асарнинг аниқ матнини яратиш. Бундаги аниқлик ўтмиш адабиётига титибқан олинганда нисбийдир. Чунки кўлаб кўлэмалар асосида яратилган ҳар қандай илмий-ташқидий матн ҳам адибнинг асл матни бўла олмайди.

2. Матнни уюштириш. Уюштириш турли мақсадларга қараб ўзгаради. Масалан, бир асар матни болаларга, мактаб ўқувчилари, талаба ёки олимларга мўлжалланганлигига қараб турлича нашр этилиши мумкин. Бу вазифани матншунослар бажарадилар.

3. Матнни ўқувчига етказиш. Матнни тушунтириш учун китобда унга сўзбоши, изоҳлар ёзилади. Тушуналиши қийин бўлган сўзлар лугати тузилади. Булардан мақсад матнни иложи борича китобхонга тушунарлироқ қилишдир.

Адабиёт тарихи ўрганган нарсаларнинг деярли ҳаммасини матншунослик ҳам ўрганади. Фақат матншуносликда бу жараён матндаги ўзгаришлар нуқтан назаридан бўлади, холос. Матншунослик-адабиётшуносликнинг ёрдамчи, кичик қисмларидандир. У тарихий асар матнини ўрганганда ҳам филологик фан бўлиб қолаверади. Ҳар қандай адабий таҳлилдан олдин адабиётшунослар, қайсибир даражада, манбашунослик ва матншунослик фаолиятини олиб борадилар. Шу билан ҳар бир адабиётшуносда матншунос ҳам яшани шарт. Илмий иш жараёнида манбашунослик ва матншунослик босқичини амалга ошириш ва бу соҳаларни эгаллаш адабиётшунослик таҳлилинини чуқурлаштиради.

МАТН ТАРИХИ ҲАҚИДА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Матн тарихи - матннинг юзага келиши, уни кўчирилиб бориши тарихидир. Ана шу жараён билан боғлиқ тушунчалар матн тарихи тушунчалари ҳисобланади. Матн билан ишлаши лозим бўлган тадқиқотчи матн тарихининг асосий тушунчаларини билиши, улардан ўз иклатишларида фойдаланиши лозим.

Матн. Матн - ижодкор фикри, ниғтишининг ёзувдаги ифодаси. Ҳозирги адабиётда ижодкор деганда кўпроқ асар муаллифи тушунилса, ўтмиш адабиётда котиб ва хаттотлар ҳам матн яратишда иштирок этганлар. Матн

тушунчаси учун ҳамма ҳолатда ҳам энг асосийси шуки, матн англаб амалга оширилган ҳаракат натижасидир. Англамасдан қилинган ўзгариш, хатолар матн тушунчасига кирмайди. Матншунослик объектига ёзув турлари, графика, расмлар кирмайди. Шу боис матнни нашр қилиш билан факсимиль нашр-кўлёзма юзидан расм олиб нашр этишни фарқлаш керак.

Асар. Матншунослик нуқтан назаридан қараганда асар деб матнни айтиш лозим. Бу асар мазмун ва шакл жиҳатидан тугалликка эга бўлиши керак. "Асар" тушунчаси нисбий бўлиб, у матншунослик тарихи билан шугулланувчида матн ўз тарихига - нусха, кўчирма ва бошқаларга эга бўлган тақдирдагина керак бўлади.

Кўлёзма, дастхат, нусха. Кўлёзма ёзилган матн ёки ати парчаси кўлёзма дейилади. Бундай матн бир ёки бир неча асарга тааллуқли бўлиши мумкин. Шарқ адабиёти ва унга алсқадор бўлган матншунослик билан шугулланувчилар учун кўлёзма энг кўп истифода этиладиган тушунчадир. Сабаби, ёзма адабиёт пайдо бўлганидан бошлаб, тошбосма (литография) усулида кўлёмзадан техник йўл билан нусха кўчириш жорий этилганидан (Туркистондаги дастлабин тошбосма матбаа 1879 йили ташкил этилган) кейин ҳам асарлар кўлда кўчирилиб тарқатилган.

Кўлёмза шу асарни яратган муаллиф томонидан кўчирилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда у дастхат (автограф) деб аталади. Шарқ адабиёти матншунослиги учун дастхат жуда аҳамиятлидир. Чунки адиб яшаган даврда кўчирилган кўлёмза ҳам, ундан бир неча аср кейин вужудга келган кўлёмза ҳам бошқа одамлар томонидан кўчирилади. Ва, баъзан, хатолликларга ҳам йўл қўйилади. Хатолар хаттотлар савияси ва улар таянган манбалар нуқсони ва бошқа турли сабаблар оқибатида пайдо бўлади. Дастхат бўлса, муаллифнинг назаридан ўтганлиги аниқ ва таънишга арзийдиган матн бўлганлиги учун ҳам ишончлидир.

Нусха - бирор матнда кўчирилган, уни такрорловчи матн. Масялан, Навоий асарларининг кейинги асарларда кўчирилган кўшлаб нусхалари мавжуд. "Нусха" атамаси "кўлёмза" тушунчасидан торроқдир. "Кўлёмза" тушунчаси кенг маънода "дастхат", "нусха" атамаларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

МАТН ТАХРИРИ

Матн таҳрири - матннинг муаллиф ёки кўчирувчи томонидан муайян мақсадга қаратилган ўзгартирилиши. Бунда асар мазмунан ёки шаклан қайта ишланиши мумкин. Масалан, Навоийнинг ҳаммамиз яхши биладиган машҳур рубоийси "Илк девон"да қуйидагича берилган: (таъкидлар бизники - Э.А.)

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга рафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олгун қадах ичраки қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

(Алишер Навоий. Илк девон. Тошкент, 1968, 140-бет)

"Гаройибус синар" девонига бу рубоий қуйидагича, яъни бизга яхши таниш шаклда киритилган:

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олгун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

(Алишер Навоий. Хазойинул маоний. 1-том, Тошкент, 1959, 754-бет)

Янги девонга Навоий ўз рубоийсини таҳрир этиб киритган. Бунда "рафиқ" сўзи "шафиқ" билан, "қадах" "қафас" шакли билан алмаштирилган - "ки" қўшимчаси "гар" билан ўзгартирилган.

Асар муаллифи таҳрир этган қўлёзмалар матншунослик учун жуда аҳамиятли. Матнни бундай қайта ишлаш ёки ўзгартириш вариантларни ҳосил этади.

ВАРИАНТЛИЛИК

Асар матни ёки унинг бирор қисмидаги ўзгариш натижасида ҳосил бўлган фарқлар вариантларни юзага келтиради. Вариантлар икки хил бўлади:

I. Муаллифнинг ўз асарининг буткул ёки бирор қисми матнига сайқал бериши ёки бошқа сабабларга кўра ўзгартирилишидан вариант ҳосил бўлади. Бунга Навоийнинг машҳур рубоийси бўйича юқорида кўзатган мисолимизни олиш

мумкин. Навоий лирикасининг академик напри тайёрланадиган бўлса, Навоий тузатган энг сўшти матн асос напри учун олишиб, матн ичидаги ўзгаришлар, сўзларнинг аввалги вариантлари напрининг "изоҳлар" қисмида қайд этилиши лозим бўлади. Муаллифларнинг ўз асарларини таҳлил этишларини кузатиш ҳозирги адабиёт намуналарида кенроқ кўзга ташланади. Шундан келиб чиққан ҳолда вариантларга XX аср адиблари асарларида батафсилроқ мисоллар келтириши мумкин. Масалан, Гафур Гулом меросининг мукаммал напри 5-томда "Шум бола" асари на у ҳақдаги батафсил маълумот берилган (қаранг: Гафур Гулом. Мукаммал асарлар тўплами, 5-том, Тошкент, 1986). Авкалга повестнинг асл матни (103-237-бетлар), вариантлари (309-339-бетлар), изоҳлар (347-352-бетлар) келтирилган. "Вариантлар" қисмида асарнинг энг сўшти напригача бўлган бошқа матнлари - "Шум бола"нинг ибор арқивидати қўлёзма, машина нусхаси на бошқа напри нусхаларидаги охириги напридан фарқ этувчи сўз, гап ёки турли парчалар тўлағига келтирилади. "Изоҳ"да напана шу манбалар, айрим ном ва сўзлар изоҳланган. Вариантлардаги фарқларни кузатиш ёзувчининг вақт ўтган сари ўз асари матни устида қандай ишлаганлигини ўрганиш имкониятини тугдиради. Бундай вариантларга мисолларни Ҳамза, Ойбек ва Ҳамид Олимжон мероси мукаммал наприларидан ҳам келтириши мумкин.

2. Қўлёзмадан нусха кўчириш жараёнида баъзи сўз ва бирикмалар котиб томонидан билеб ёки билмай ўзгартирилиши, хато ўқилиши натижасида асл матндан фарқли кўришга келиши мумкин.

Матншуносликда бу ҳолат вариант ёки, баъзида, "фарқли ўқилиш" ("разночтение") деб аталади. Илмий-танқидий матида (илмий-танқидий мати муаллиф асари матни тили ва ёзувида берилди) ани шу ўзгартирилган қисм настрада-ҳаволада кўрсатилади. Матннинг ўзида эса, ундаги наъво, маънунга мос, таънич, ишончли қўлёзмадан олинган сўз ёки бўлак берилди. Масалан, таънич байтларида шундай рақимларвариантларбор ўрнига қўйилди.

بار ايکين اول مه جين يوزينده تير نينک کثرتي
يا قمر اطراقيده کوگوزدي انجم دين نشان

Бор экин ул мажжабин юзинда (1) тернинг касрати,
Ё қамар атрофида кўргузди анжумдин (2) нишон.

Матндаги байт рақами ва мисрани англатувчи ҳарф ҳаволада кўрсатилиб,
масалан, “А” ёки “Б” деб шартли номланган асарнинг бошқа кўлёмаларида
қайси варианты учрани қайд этилади. Юқоридаги мисолнинг ҳаволадаги
ишоралари шундай бўлади:

1. 5 а А: *يوزيندا*

2. 5 б Б: *انجم دين*

Демак, 5-байтнинг “а”, яъни 1-мисрасидаги *يوزينده* (юзинда) сўзи
“А” деб шартли номланган кўлёманда *يوزيدا* (юзинда) шаклида берилган
экан. Матнда эса “юзинда” эди. 5-байтнинг “б”, яъни 2-мисрасидаги *انجم دين*
сўзи “Б” деб шартли тарзда номланган кўлёманда *انجم دين* (анжумдин)
тарзида берилган экан. Матнда эса “анжумдин” эди (бу мисол олинган манба:
Усайн Бойжаро. Девон, рисола. Кобул. 1968, 122-бет (эски ўзбек ёзувида).

Матншуносликда бундай вариантларни бериб бориш асосий вазифалардан
ҳисобланиб, матннинг илмий аппаратида ҳосил этишда катта аҳамиятга эга.

МАТНИ ИЎҚИШ.

Матн тарихини ўрганиш учун, биричи навбатда, уни тўғри ўқиш шарт. Араб
ёзувидаги Шарқ кўлёмаларини ўқиш учун кўп нарсани, хусусан, мусулмон
Шарқи ва унга ҳос жиҳатларни билиш лозим. Чунки бугунги кунда яшаётган,
бошқа ёзув ва ўзгача муҳитда шаклланган киши матншунос бўлиши учун матн
яратилган даврга “кўчиб”, матн билан муносабатга киришиши керак бўлади.

Матнни ўқиш учун матншунос олдига бир неча талаб қўйилади. Дейлик, дастлаб, матнни палеографик жиҳатдан тўғри ўқиш, яъни ҳарфларни аниқлаб, тиниш белгиларининг қўйилиш ўринларини билиб олиш лозим. Лекин матншунос ўтмиш адабиёти матнлари устида тадқиқот олиб борар экан, унинг олдига муайян қийинчиликлар пайдо бўлади. Дейлик, араб ёзувида бош ва кичик ҳарфлар бирдек - кичик ҳарф билан ифодалангани туфайли атоқли отларни аниқлаш ёки ҳозирда жорий тиниш белгиларидек белгилар ўрнида айрим қўлланган белгиларгина бўлганлиги матншунос олдига уларни мустақил равишда ҳозирги ёзувга ўтириш жараёнида ифодалаб бориш вазифасини қўяди.

Бунда икки босқич кузатилади:

- 1) матнни ўқиш жараёнида матндаги сўз ва гаплар ажратиб олиниб, тиниш белгиларининг ўрни аниқлаб чиқилиши лозим;
- 2) матндаги хатоларни топиш, механик равишда қилинган хато ёки атайин қилинган ўзгаришларни аниқлаш зарур.

Матнни унинг тарихи ва яратилиши жиҳатидан тушуниш керак. Буларнинг ҳаммаси матнни палеографик (ёзув хусусиятларини аниқлаб, ҳисобга олиб ўқиш) нуқтан назаридан ўқишга олиб боради.

Матнни ўқиш жараёни бевосита қўлёзма, унинг хусусиятлари ва яратилган даври билан боғлиқ бўлганлиги, биз эса ушбу қўлланмада ўтмиш қўлёзмаларига асосий эътиборни қаратаётганлигимиз учун ҳам шу ўрнида Шарқ қўлёзмалари ва улар яратилган даврга оид баъзи тасаввурларни қайд этиб ўтиш жоиз деб топдик.

ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲИМ БЕЛГИЛАРИ ҲАҚИДА

Мусулмон Шарқи қўлёзмалари мушгарақ хусусиятларга эга. Қадимда қўлёзмалар қўлда кўчирилиб қўшақтирилган. Қўлёзма учун қотоз тайёрлашдан тортиб, то унинг муқовасини ясашгача бўлган мураккаб жараён турли усталар томонидан амалга оширилган. Қўлёзманинг вужудга келишида қотиб ва хаттотларнинг роли каттадир. Қотиб - матнни кўчирувчи киши. Хаттот - матнни санъаткорона кўчирувчидир, хаттотлик ёзуви санъат даражасини ёшиқ бўлиб,

Шарқда алоҳида аҳамият касб этган. Лекин ҳар қандай котиб ҳам хаттот даражасига кўтарилмавермаган.

Кўлёмаларни котиб ва хаттотлар томонидан қўлда кўчирилиши бадиий асарлар матнларини шоир яратган асл кўринишдан ўзгаришга олиб келган. Ҳатто, бир асар матнини бир котиб якки марта кўчирганида ҳам бу кўлёмалар бир хил чиқмаган. Ҳар хил котиблар томонидан асар матнининг турли даврларда кўчирилиши оқибатида матннинг ўзгариб кетиши ҳам табиий ҳолдир. Бу эса бадиий асар матнининг ўзгаришига, натижада, асар ҳақида объектив фикр билдиришда тўсқинликларга олиб келган. Кўлёмалардаги хатолар ва ўзгаришлар библио ёки билмасдан қилинган.

Одатда, котиблар буюртма асосида асар матнидан нусха кўчирганлар. Буюртмачилар икки хил йўл билан котибга пул тўлаганлар. Булар - уржута ва муқаттеъдир. Уржута - асарни кўчириши учун маблағни бирданга тўлаш. Муқаттеъ - пулни кўчирилган қисмларга қараб, бўлак-бўлак қилиб тўлашдир. Уржута бўйича буюртма олган котиб асар матнини тезроқ, қисқартириб кўчириб беришдан манфаатдор бўлган. Муқаттеъда котиблар кўчирилган қисм ҳажмига қараб пул олиб турганликлари учун ўзлари ҳам асар матнига қўшимчалар қўшиб борганлар, унинг каттароқ бўлишини истаганлар. Аммо ҳамма котиблар ҳам бундай бўлмай, уларнинг ичиде асарни қунг ва ихлос билан кўчирганлари кам бўлмаган. Ҳар ҳолда асарни кўчириши жараёни ва матннинг ўзгаришида котибларнинг ўрни катта бўлган.

Кўлёмаларнинг кўчириши мобайнидаги ўзгариш ҳақида, ашикроғи, форс тилидаги кўлёмани кўчиришдаги ўзгаришларни назарда тутиб, ярим ҳазил, ярим кинояомуз ибора вужудга келган. Унга кўра, форс тилидаги матн уч марта кўчирилиши оқибатида араб тилидаги матнга айланган экан. Бу иборадаги киноя шундаки, асар матни кўчирилиши жараёнида асл кўринишдан узоқлашиб борган. Котиблар кўчириш давомида ўзларини южод қилиш, матнга аралашини ҳуқуқига эга деб билганлар. Масалан, Шохмурод котиб XX аср бошида тошбосма нашр учун Навоийнинг "Ҳамса" асарини кўчириш ва замондошлари учун тушунарлироқ бўлсин деб, асардаги айрим сўзларни ўз даври ўзбек тилидаги синонимлари билан алмаштирган, яъни матни соддалаштирган. Аммо бу ҳол Навоий асари асл матнининг ўзгариши, ашикроғи, бузилишига сабаб бўлган.

Котиблар кўлэзма сўнгида ўз хулоса - яқунларини ёзганлар. Бу яқун колофон (таърих) деб аталади. Колофон кўлэзманни кўчирувчи муаллиф ёки котиб томонидан битилиб, уни қачон, қарда, ким учун, нима мақсадда ёзилганини ҳақида маълумот берган. Асарнинг яратилиши - санаси таърихларда икки хил йўл билан берилган:

1. Шоир тўғридан-тўғри асарнинг яратилиш даврини кўрсатган.
2. Асарнинг яратилиш вақти абжад ҳисоби билан билдирилган (араб алифбосида ҳар бир ҳарфга тўғри келувчи рақамлар мавжуд бўлиб, бирор ҳарф ёки сўздаги ҳарфларга тўғри келувчи рақамлар йиғиндиси орқали санани топиш абжад ҳисоби дейилади). Колофонни алоҳида бўлимлар учун битиш ҳоллари ҳам учрайди. Баъзида котиб нусха кўчиришда бу нусха учун асо бўлган кўлэзмадаги колофонни ҳам кўчириб юбораверган. Аммо ҳамма кўлэзмаларда ҳам котиблар колофон ёзмаганлар ёки колофонда кўчирувчи - котиб ҳақидаги маълумотлар унинг исми-шарифи билангина чекланган, ҳолос. Аксарият ҳолларда котиблар ўз номларини битиш ўрнига "ала мади ҳақирул фақир" ("бу фақир ҳақирнинг кўли билан") иборасини кўллаганлар. Шунга қарамай, колофонлар ёки, умуман, ҳар бир кўлэзма алоҳида илмий қимматга эга.

Кўлэзмаларни кўчиришда котиблар асосан қора сиёҳдан фойдаланганлар, кўчирилган қоғоз ҳам нафис бўлган. Вақт ўтиши билан сиёҳ сув ва намлик таъсирида ўчиб, ёйилиб кетиши, қоғоз бўлса ўз сифатини йўқотишига ҳисобга олсак, асар матнлари нима учун бунчалик ўзгаришларга учраганлигини тушуниш мумкин бўлади. Қисқаси, Шарқ матншунослиги олдида бир мунча мураккабликлар мавжуд экан. Бу фикр кўлэзмаларнинг таниқ, шаклий жиҳатлари билан боғлиқ. Айни вақтда, кўлэзмалар, аниқроғи, ўзбек классик адабиёти намуналари матн билан шугулланувчилар фаолиятини адабиёт назарияси, матн яратилган давр маданий муҳитига оид bilimларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек мумтоз адабиёти билан боғлиқ матнларнинг асосий қисми XI-XX асрлар оралиғида, араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида яратилган. Шу сабабдан матншунос мана шу даврга тегишли юқинимон, сиёсий, маданий ҳаётни билиши, адабиёт, айниқса, Шарқ адабиёти вақриниши бўйича мукаммал bilimга эга бўлиши шарт. Шу жиҳатларни ҳисобга олсак, биз кўнда матншунослик илмига кириб келаётган талабалар матн билан боғлиқ қайси

жиҳатларга эътибор беришлари лозимлиги ҳақида айрим фикрларни билдирмоқчимиз.

МАТН ВА ДАВР ТИЛИ, ИЖОДКОР УСЛУБИ

Матнни тўғри ўқиш ва тушуниш учун у яратилган давр тилини билиш, бу муҳитдаги мавжуд тиллар борасида ҳам муайян таъсирга эга бўлиши керак. Ўзбек адабиётининг асосий намуналари эски ўзбек тилида яратилган. Бу вақтдаги адабий тил араб ва форс тилиларининг таъсирида бўлган. Шу боис матншунос эски ўзбек тили, эски ўзбек ёзуви билан бир қаторда, форс тилини ҳам билиши, араб тили лексикаси- сўз қурилишидан муайян маълумотга эга бўлиши лозим.

Бундан ташқари матн яратилган адабий муҳитнинг таъсири ҳам матн тилида ўз аксини толади. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср) "Кутадгу билик" достонида қадимий туркий тилнинг кучли таъсири сезилади. Асарда арабий ва форсий сўзлар эса жуда кам қўлланган. Алишер Навоий даврига (XV аср) келиб, ҳусусан, Навоий асарларида арабча ва форсча сўзлар кўплаб қўлланила бошлади. Бунда, албатта, ижодкор услубини ҳам назарда тутиш керак. Масалан, Навоий билан бир даврда яшаган Ҳусайн Бойқаро газалиёти тили Навоий асарлари тилига нисбатан соддароқ, тушунишга осон ва унда араб, форс сўзларининг салмоғи ҳам нисбатан кам. Қисқаси, ҳар бир шоир ўз муҳити, асарларини ўқувчи китобхонлар диди ва бошқа сабаблардан келиб чиққан ҳолда, асарлари тилига муносабатда бўлади ва матншунослар буни назарда тутишлари лозим.

МАТН ВА АДАБИЙ МУҲИТ

Матн яратилган адабий муҳит ва унга хос жиҳатларни билмай туриб, ёки кенг маънода ўзбек адабиёти тарихи бўйича етарли маълумотга эга бўлмай, матнни тўғри ўқишнинг имкони йўқ.

Маълумки, ўзбек классик адабиёти бевосита Ислоом дини ва тасаввуф фажафаси таъсири остида шаклланди. Шу боис матншунослардан матнни ятрофлаш ҳис этиш, матн бўйича ўз фикрига эга бўлиш ёки изох ва кўрсаткичларни тузиш учун булардан бохабарлик талаб қилинади.

Адабиётнинг бирор адабий муҳитига хос бўлган назарий жиҳат ва хусусиятлари мавжуд бўлиши мумкин. Ўзбек мумтоз адабиёти ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Матншунос ҳам ўзбек мумтоз адабиётининг назарий жиҳатларини пухта биллиши лозим. Мисолларга мурожаат этайлик:

Кўлэзмадаги адабий асар матнини тўғри ўқиш, аввало, унинг жанрини аниқлаб олиш билан таъминланади. Масалан, Навоийнинг "И. к девон"даги "бўлди гул" радифли газалининг 5 ва 7-байтлари факсимил нашрда қуйидагича берилган:

نى تيار كو نكلوم چو زميدا فراوان بولوى كل	لعل كام يم دور شيمف كله ابل نه حرمي
سرپرى پرتازه قانليغ داغ بجران لوى	كل چاغنى پارى سفر ايلاب نو ابي جانيفه

Бу байтларни (қараиш: Алишер Навоий. Илк девон (факсимиле), Тошкент, 1968, 99а-бет) транслитерация қилсак шундай бўлади:

5.а. Лаъли комимдур қошимга келса ул не хирманни,

б. Не тилар кўнглум, чу базмида фаровон бўлди гул.

7.а. Гул чоги ёри сафар айлаб, Навоий жонига,

б. Хар бири бир тоза қошиг доти ҳа ҳрон бўлди/?!/

Бу шеърни кўлэзмадан ўқибган матншунос, ҳажми ва қофияланишига кўра газал жанрида эканлигини билиб олади. Ушбу газалда "бўлди гул" радифи қўлланилган. Радиф-қофиядан кейин такрорланувчи бўлак, газал 1-байтининг иккала мисраси ва қолган байтларининг 2-мисраларида келиши маълум. Аммо кўлэзмада 6, 7-байтларининг 2-мисраларида "бўлди гул" радифининг "гул" қисми ёзилмаган. Оқибатда, бу мисраларда маъно ва оҳанг бузилган. Ҳўш, нега шундай бўлди?

Девонни кўчирган хаттоғ Султон Али Машиқадий хатога йўл қўйганми?! Ҳамма гап шундаки, мисра ҳошия билан чегаралаб қўйилган ораликқа сизмаган ва хаттоғ китобхон газалнинг бошланишидаёқ унинг радифини билгани учун ўзидан қўшиб ўқиб кетишини ҳисобга олиб, шундай йўл тутган. Матншунос ҳам газал жанрини билгани ҳолда, матнни тўғрилаб ўқиб кетаверади.

Ёки Шарқ адабиётидаги анъанавий образлардан хабардорлик матннинг тўғри ўқилишини таъминлайди. Масалан, араб ёзувида бош ва кичик ҳарфлар бир хил ёзилиши оқибатида, матндаги атоқли отларни сифатлардан маъносига кўра ажратиб олиш керак бўлади. **عجّون** - сўзи ҳам Лайли ва Мажнун афсонаси қаҳрамони Мажнунни англатиши, ҳам "ақлдан озган" маъносини ифодалаши мумкин. Бунда контекста - сўзнинг матнда, бошқа сўзлар билан муносабатта киришини қараб, "мажнун" сўзи катта ёки кичик ҳарф билан ўтирилади. Қадимги грек олимларининг арабчалашган исмларини билмай туриб ҳам уларни тўғри ўқиб қийин:

ارستو - Арасту (Аристотель)
اقلیدوس - Уқлидас (Евклид) ва ҳоказо.


Қисқаси, Шарқ адабиётида қўлланилиб келинаётган ўнлаб қаҳрамонларнинг исмлари ва уларнинг араб ёзувидаги шаклини билиш керак экан. (Бунга эҳтиёж шундан ҳам сезиладикки, баъзи қаҳрамонлар исмларининг ёзилиши мураккабликлар мавжуд: **موسى** - Исо, **موسى** - Мусо, **يحيى** - Яхё...).

Шеърдаги анъанавий образлар системаси, анъанавий сифатлаш, ўхшатиш, муболага ва бошқа бадий-тасвирий воситалардан хабардорлик матнининг тўғри ўқишнинг таъминлайди. Масалан, бир шакл 2-3 хил ўқишнинг мумкин:

1) гул - ўсимлик;

2) гил - лой, балчик;

3) кулл - ҳамма, барча.



Ўтмишда گ (гоф) ҳарфи ўрнига кўнигча ك (коф) ҳарфи қўлланган. Шу билан бир шаклда уч хил сўз мужассамланиши мумкин бўлган.

Матншунос контекстдан келиб чиқиб бундай сўз ва бирикмаларнинг тўғри ўқишнинг шарт. Қиёслани:

- گل یوز - "гул юз" (ёрнинг юзи ҳақида гап кетишти)
- آب و گل - "обу гил" ("сув ва лой" маъносиде)
- گل عالم - "кулли олам" ("бутун олам" маъносиде)

Яна бир мисол: XX аср бошларида, микбосма (босмаҳонада араб ҳарфларининг териб босилиши) усулида чоп этилган китобларнинг бирида учраган бирикмадан бир талаба ўқий олмай қолади. Китоб эскирганлиги ва шайх сифатсизлиги туфайли хиралашгани ва бир гап таркибиде шундай шакл мавжуд эди:

حقیق یمن - Хатто, биринчи ҳарфнинг устида аллақандай нуқта ҳам сезилар-сезилмас кўришиб, талабани чалғитибди: حقیق یمن

Ўқувчи уни тахминан "тажржи ями" деб ўқиган, биринчи ҳарф ت-те бўлиши керак, деб ўйлаган. Лекин бундай ўқишда маъно чиқмайди. Китобхон мумтоз адабиётимизда кенг қўлланган образ - "тажржи Яман" - "Яман мамлакатидан келтирилган қимматбаҳо тош" - "тажрж"ни билганиде эди, кейинчалик қўнишиб қолган сезиларсиз нуқта бор бўлса ҳам, ع - "или"

харфининг суз ўртадаги **س** -"хе" га ўхшаб босиб берилишидан қатъи назар, биринчиси тўғри ўқий олган бўларди.

Матн яратилган даврдаги гуманитар ва табиий фанлар, бу фанлар бўйича энг асосий ва машҳур илмий адабиётлар, атамаларни билши, шахс ва жой номларини тўғри, тушуниб ўқиш лозим бўлади. Масалан, Навоийнинг "Фавоїдул қибар" девонидаги 322-газалнинг сўшти байти қуйидагича берилган:

Навоий англаки, боби вафо ёзилмайдур,

Агар фусусдурур гар нусусу йўқса фукук .

(Алишер Навоий. Хазойинул маоний. IV том. Тошкент, 1960, 327-бет).

Аслида, 2-мисрада тасаввуф фалсафасига бағишланган ва Навоий давридаги машҳур илмий асарлар номи қисқартириб берилган бўлиб, байт қуйидагича ёзилгани лозим экан (бу ҳақда қarang: Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси. Тошкент.1992., 31-бет; Алишер Навоий. Хамсатул матахаййирини. Асарлар. 14-том, Тошкент. 1966., 47-бет):

Навоий англаки, боби вафо ёзилмайдур,

Агар "Фусус" дур, гар "Нусус" у йўқса "Фукук".

("Фусус" Ибн ал-Арабийнинг "Фусус ал-Хисам" асари номининг қисқарган шакли. "Нусус"-Садриддин Қунавийнинг "Ан-Нусус фи таҳқиқил тавриль-махсус" асари номининг қисқарган кўригили...))

Матнишунос аруз, қофия ва бадий санъатларга оид илмларни билши, хусусан, аруз назариясидан етарлича маълумотга эга бўлиши даркор. Чунки шеърини матн ўқиётгандан дастлабки мисрадаёқ унинг қайси вазнда ёзилганини аниқланса, қолган мисраларнинг тўғри ўқишини бирмунча таъминланади. (Албатта, баъзи шеърларнинг бир неча вазнда ёзилгани мумкинлигини ҳам унутмаслик керак). Сабаби шеър вазни биллиб олшгач, матндаги ўқилиши қайини бўлган ўришнинг ҳамда вазндаги узун-қисқалик миқдори аниқ бўлади. Шунинг учун ҳам арузнинг транслитерация (бир ёзувдаги

матнин бошиқа ёзувда ифода этиш. Бизнинг шароитда эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога ўтириш) жараёнидаги ўрни каттадир. Масалан, Хусайн Бойқаро газалларидан бирида шундай байт бор:

تاپتى عمر جاودان آزورده چانيم تا ايرور
لعل سيرا بينك حشر سوزونگ مسيچاي رفيق

(Хусайн Бойқаро. Кўрсатилган манба, 74-бет).

Аруздан яхши хабардор бўлмаган куйи курс талабалари бу байтни, ҳатто, форсий ифодаларни тўғри ўқиган тақдирларида ҳам куйидагича хато билан ўтир — адилар:

Тошти умри жовидон озурда жоним то эрур,

Лазли серобинг Ҳнэр, сўзунг Масиҳо, эй рафиқ.

Лекин бундай ўқишда 2-мисрада сакталик (шеърний оҳангнинг бузилиши) ҳосил бўлади. Хусайн Бойқаронинг аксарият газаллари арузнинг ҳажви мусамман солим вазида ёзилган. Бу вазнинг ифодаланиши шундай:

- V - -
фонлотун

- V - -
фонлотун

- V - -
фонлотун

- V -
фонлун

Юқоридаги газал ҳам шу вазида битилган. Аммо биз келтирган ҳозирги ёзувдаги кўринишида байтнинг 2-мисраси вази куйидагича кўринишига келиб қолади:

- V - - / - - V - / - V - - / - V -
_____?

Яъни, 2-рукида хато бор ва бунга "Ҳизр" (- V) сўзи сабабчи бўлмоқда. Аслида эса шеърнинг вази ва матншуносликдан хабардор бўлган талаба "Ҳизр" сўзининг вазига солиб тўғрилаб ўқийди:

Лаъли серобинг Ҳизир, сўзинг Масихо, эй рафиқ...

Яъни, "Ҳизр" номи вазига мослаштирилиб "Ҳизир" тарзида ўқилиши талаб этилар экан. Асосийси, эски ўзбек ёзувидаги матида-аслиятда номнинг ёзилиши ўзгаргани йўқ. Ўқилиш вазига мослаштирилди, холос. Матншунос ҳам матнни тўғри ўқишда аруз назариясидан фаол фойдаланиши керак экан.

Бир сўз матида ўз маносини ўзгартирмаган ҳолда вази талабига кўра бир неча хил ўқилиши мумкин. Масалан, "Саккокий" тахаллуси шеърнинг вазидан келиб чиқиб тўрт хил ўқилиши мумкин:

- 1) Саккокий - Сак-ко-кий - - -
- 2) Сакокий - Са-ко-кий V - -
- 3) Саккоки - Сак-ко-ки - - V
- 4) Сакоки - Са-ко-ки V - V

Аруздан беҳабарлик бу тўрт варианты бир хил - "Саккокий" - - - тарзида ўтирилишига, яъни хатога олиб келиши мумкин.

Матннинг тўғри ўқилиши яна Шарқ шеърятига алоҳида ўрин тутган бадиий санъатларини билтишга ҳам боғлиқ. Масалан, Навоийнинг "Бадойиул васат" девонига кирган 194-газалдаги биринчи ва тўртинчи мисралар бир хилдандир:

Отанин гулбаргидин хилъатки жононимдадур,

Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, мезинг жонимдадур,

Отанин лаълидурурким, анда музмар бўлди жон,

Отанин гулбаргидин хилъатки жононимдадур,

(Алишер Навоий. Хазойишул маоний. III том, Тошкент, 1960, 198-бет).

Нашир изоҳда бу "қайтарик мисра барча манбаларда мавжудлиги сабабли, ўз ҳолига қолдирдик", дейди. Лекин айни шу газалдаги такрор раддул-натлаъ сийъати эканлиги илмда кўрсатилган (қаранг: Исоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент, 1983, 135-бет).

Қисқаси, Шарқ матнлари бўйича илми: илганиш олиб борувчи матншунос ҳам худди адабиёт тарихи мутахассисидек, мингақа адабиётининг ўзига хос жиҳатларини билиши талаб қилинади. Ана шундагина у матнлар устида иш олиб бориши ва тўғри хулосаларга келиши, матнни мукаммал кўринишда нашр учун тайёрлаб билиши мумкин.

МАТН ТАРИХИНИ ҲАМ ҲАМ

Ўтмишда яратилган бадиий асар матнини тиклаш, илмий-таърихий матн яратиш учун уни тўғри ўқиш, қўлёзмаларини аниқлашдан ташқари матн тарихини ўрганиш жонздор. Матн тарихини ўрганишдан мақсад фақат илмий-таърихий матн яратиш, матнни нашр қилишига бўлиб қолмай, балки уни адабиётшунослик, манбашунослик жиҳатидан таҳлил этиш учун ҳам керак бўлишидир.

Матн тарихи бевосита ва билвосита маълумотлар асосида ўрганилади. Бевосита маълумотларга қўлёзмада унинг кўчирини саналарининг кўрсатилиши, котибнинг исми шарифи, шма сабабдан ва ким утун кўчиргани, қисқаси, ашиқ, хужжатли қайдлар кирди. Уларнинг аниқлигини осон. Билвосита маълумотлар эса матншунос томонидан қўлёзмага суниб олиб борилган илганишлар натижасида топилади. Булар: қўлёзмаги ўрганиш, турли ўқиш, хатолар ва вариантлар таҳлили, матнни муайян мақсад билан ўзгартириш, тушириш ва қўшилган ўринларни аниқлаш; глоссалар ва интерволяциялар таҳлили; аса ва кўчирма нусхалар устидаги хужжатлар; қўлёзмадаги сўз ва ифода аниқлигини ўрганиш ва бошқалар... Билвосита маълумотлар билан муносабатда бўлган ўтмиш қўлёзмалари билан муносабатдаги ўзбек илмий адабиёти мутахассислари билан кўпроқ боғлиқ. Буни сабаб, аниқ ҳам қўл эгаларидек, кўра матнлардаги маълумотларнинг камлиги ва қўлёзма

яратилган замон билан бизнинг давримиз орасидаги вақт ва узиллигини катталигидир.

ТУРЛИ ВАРИАНТЛАР ТАХЛИЛИ

Матндаги турли вариантлар деганда, матнинг бирор ўрнидаги сўз, бирикма ёки мисранинг бошқа вариантларда ҳам берилиши тушунилади. Бу таҳлилдан мақсад матн тарихини аниқлаштиришдир. Матн тарихидаги ўқилиш вариантларининг вужудга келиши уни кўчирувчининг шахсияти, давр билан боғлиқ, матн кўчирилган сари ундаги сўз ёки кичик қисملарнинг вариантлари кўпайиб боради. Котиб айрим ўринларни биллиб, айримларни атайин бошқа сўз ва бирикмалар билан алмаштириб, матнни ўзича "такомиллаштиради". У ўзини матнга шисбатан ижодий ёндашиш ҳуқуқи бор деб ҳам билади. Аслида, матнга уни ижод этувчидан бошқа ҳеч ким ўзгартириш киритмаслиги керак (хатто, номукамал ўринлар бўлса ҳам).

Кўлёзмадаги вариантлар ва уларнинг қандай турда эъанлигини тасниф этиш воситасида матнга бўлган муносабат, унинг талқини, муайян давр, жойдаги ёндашув кабиларни кузатиш мумкин. Масалан, матн XV асарда яратилди, дейлик. Котиблар уни XVI, XVII, XIX асарларда қайта кўчириб, бу асарларга хос тилдаги ўзгаришларни матнда аке эттиришди. Матндаги баъзи ўринлар шу муносабат билан "янгиланади". Матншунос асар илмий-тапқидий матнни яратишда, аввало, ижодкор даврга яқин матнга суяниб, қолган кўлёмалардаги вариантларни таҳлил этиб чиқади. Шоир даври тили, услубига моси матнда қолдирилиб, қолган вариантлар ҳаволада кўрсаткилади. Умуман, шу жараён мобайнида матн ва унга ёндашув тарихи конкретлашади.

КЎЛДА КЎЧИРИШДА ЮЗАГА КЕЛУВЧИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбек мумтоз адабиётидаги асарлар, асосан, котиб ва хаттотлар томонидан кўлда кўчирилганлиги учун, бу жараёнда хос фарқ ва хатоларнинг келиб чиқиши омилларини билиш керак. Матнни кўчирувчи шахс муаллифнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин. Шунга қарамай, унинг ҳам матн тарихини ўрганишдаги ўрни муҳим.

Кўчириш жараёни тўрт босқични ўз ичига олиб, уларнинг ҳар бирига хос хатолар мавжуд:

1) матнни ўқиш, хатолари. Кўчирувчи матн билан (баъзида ҳатто матн тили билан) яхши таниш бўлмаслиги мумкин. Айниқса, эски ўзбек ёзувнинг араб ҳарфларига асосланганлиги, бу ёзувда унлиларнинг ўрнига қараб ёзилмаслиги, кўпгина ҳарфларнинг бир-биридан нуқтасига қараб фарқлангани, буандан ташқари, ёзувдаги баъзи ноаниқликлар, вақт ўтиши билан кўчириш учун манба бўлган кўлёзманинг эскириши ва бошқа жиҳатларга кўра матнни ўқиш хатолари вужудга келади.

2) ёдда тутиш хатолари. Котиб асарни кўчираётганда уш қисм-қисм қилиб ёдда олиб қолиб, янгидан қоғозга тушуради. Бу жараён ҳар қандай кўчириб ёзишга хос. Ана шунда ёдда олиниб қолиниши керак бўлган қисм қанча узув бўлса, хатонинг вужудга келиш эҳтимоли шунчалик кўсаяди. Бунда хотиранинг ўрни ҳам жуда катта.

3) ички диктант хатолари. Котиб кўчираётган матнни ичидан такрорлаб боради. Бунда у матн тилини ўз даври тили, шеvasига мослаб такрорлашнинг натижасида хатолар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, матнда "ёмгур" (یاغور) деб берилган бўлса, у котиб ушун "ёгмур" (یاغور) порма бўлса, у механик равишда ўз даври учун хос вариантни ёзиб кетиши мумкин.

4) ёзиш хатолари. Матнни қоғозга тушириш жараёнида ҳарф, бўғин, ўшимчалар ўзгартириб ёзилиши орқали ҳам хатоларга йўл қўйилади.

МАТННИ АНГЛАНГАН ҲОЛДА ЎЗГАРТИРИШ

Матнни англаган ҳолда ўзгартириш таҳлили матн муаллифининг матнни яратиб жараёни, матн ўзгартирувчи - муҳаррир ва котиблар томонидан билишга қаратилгандир. Масалан, матндаги "уйга" "уйга" деб, "ишчибиз" сўзи "ишчимиз" тарзида матн вашида бутуни кунга мослаб, аслиятдагидан бошқача кўринишга келтирилган ҳолда берилган бўлиши мумкин. Бундай ўзгартиришларнинг топиши, уларнинг матнга хос ёки йўқлигини аниқлаштириш лозим.

КОНЪЕКТУРА

Тахминан ва умумий фикрлар асосида камчиликлари бор матнни тўғрилаш, ушбу муаллиф яратган матнга яқинлаштиришни конъектура дейилади. Лекин бу хатоларни аниқлаш асар кўлэзмаси ёки бошқа бирор жанбага суяниш воситасида эмас, матн (нашр этилган матн)нинг ўзидан мантикий фикрлаш асосида келиб чиқини керак. Ҳозирги вақтда конъектура кўпинча матн нашридан кейин бўлади. Матншунос ва адабиётшунослар нашрлардаги хато ва камчиликларни матндаги маъно мантигидан келиб чиқиб аниқлаштиради. Масалан, Алишер Навоийнинг бир байти бир ўрнида қуйидагича нотўғри сўз билан берилбди:

Навосоз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

Биринчи мисрадаги “навосоз” сўзининг ўрнида “навосиз” сўзи бўлганлигини кўлэзмага қарамай туриб, конъектура усули билан ҳам аниқласа бўлади. Чунки 2-мисрадаги “ёмон” ва “яхши” сўзлари ўзаро зид маънода қўлланиб, тазод санъатини ҳосил қилмоқда. 1-мисрада ҳам, аслида, “навосиз” ва “навобахш” сўзлари тазод санъати еифатида ўзаро зид маънода келиши керак эди. Юқоридаги кўринишда тазод санъати бузиляпти. Бунинг устига улус -халқ навосоз-наво яратувчи бўлса, унга яна “навобахш” қилиши керак бўлармиди? Навоий, айнан, “навосиз улуста навобахш” бўлишга чақиряпти. Демак, байт аслида қуйидагича бўлиши керак:

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

Достон кўлэзмалари ҳам конъектура йўли билан аниқланган бу хато ўқиниш манжудлигини кўрсатади. Конъектура ишончли бўлиши учун матншунос муаллиф ва шотиблар психологияси, давр тили ва маданий муҳити, ёзувга доир маълумотларни билиши керак. Шу туфайли матншунослик реконструкция (тиклан) санъати бўлиб, матн тарихини тўғри тасаввур қилишга хизмат қилади.

МАТНДА ТУШУРИЛГАН ВА ҚЎШИЛГАН ЖОЙЛАРНИ

А Н И Қ Л А Ш

Матнда, баъзан, манбаларда йўқ парчалар ёки, аксинча, туширилган ўришлар учраши мумкин. Ана шу парча аслида матнда бўлгани, ё кейинчалик қўшиб қўйилгани, шунини аниқлаш зарурати туғилади. Қўшиб қўйилган ўришлар матндаги мантиқни бузиши, баън кетма-кетлигига путур етказиши оқибатида билиниб қолади. Тушуриб қолдирилган қисмлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бундан ташқари, шу матн қўлёзмалари билан атрофда ташиши ва етарлича илмий маълумотнинг бўлиши ҳам бу жараёнга ёрдам беради. Матндаги бирор ўринни қўшиш ёки олиб ташлаш муайян мақсад асосида бўлиши табиий ва бунини аниқлаштириш матн тарихи ҳақидаги аҳлитга таъбирнинг шайде бўлишига олиб келади. Бунда асл матн муаллифининг услубидан хабардорлик ҳам муҳим ўрин тутади.

ГЛОСС ВА ИНТЕРПОЛЯЦИЯЛАР

Глосс (ҳосил) - қўлёзманинг ҳошияларига, қатор орасига қотиб ёки ўқувчи томонидан бирор ўринни тушунтириш учун ёзилган матн. Глосс қўлёздаги асосий матн билан қўшилиб кетмайди. Масалан, форс-тожик адабиётининг ёриқ вакили Жалолддин Румийнинг машҳур "Маснавийи маънавий" сиймат дoston шарҳи билан бирга қўчирилган нусхалари бор. Уларда дostonдан бeр неча байт ёки ҳикоятлар парчаси саҳифанинг ўртасига битилган, унинг атрофида айлангириб шу парчанинг шарҳи ёзилган. Мана шу қўлёздаги шарҳлар глосс бўлади. Яна бир мисол: Алишер Навоийнинг "Ҳамса" дostonига 1845-1848 йилларда "Ҳамса бо ҳали лугат" деб номланувчи лугат тузилган. Бу лугат "Ҳамса" дostonлари ёзилган қўлёзманинг ҳошиясига битилган (бу қўлёзма ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 7863 рақам остида сақланади). Бу лугат ҳам шу қўлёзма учун глосс бўлади. "Глосс" атамаси Шарқдаги "ҳосил"га тўғри келади.

Интерполяция. Агар глоселар асосий матнга қўшилиб, уни матндан ажратиб қайта бўлиб қолса, интерполяция ҳисобланади. Масалан, Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Озарбайжондаги қўлёзма нусхасида асарнинг ўзимида икки баит эгилган нусхасида учрамайдиган қуйидаги икки баит бор (қarang: Нагиева Д.М. Бакинские рукописи Алишера Навои. Баку, 1986, С. 91):

همول تاشنى قىليب ديوانه منزل
 ديمه ديوانه كيم فرزانه منزل
 پتور مك قصد ايتيب اول زارنا شاد
 حجر دين دشمنى چا نيجه بيداد

Бу икки баит шу қўлёзма учун интерполяция ҳисобланади. Агар кейинчалик бу икки баит бошқа қўлёзмалардан ҳам топилса ёки Навоий қаламига мансублиги аниқланса, унда интерполяция ҳисобланмай, дoston матни таркибига айланishi мумкин.

ЦЕНЗУРА ВА АВТОЦЕНЗУРА

Цензура - матн ёки унинг бирор қисмини сиёсий, ижтимоий ёки бошқа бирор сабабга қўра атайин тушириб қолдирилиши. Нусха кўчирилмаётган ёки нашр этилмаётган матн ўқувчиларга муайян ахборот, фикр, ижодкор дунёқараши ташилади. Лекин бу ахборотдаги ҳақиқат ҳокимият эгаси бўлган амалдорларга ёки, умуман бирор гуруҳ, ҳатто муайян мавқедор шахсга ҳам ёқмаслиги мумкин. Шунинг учун матн кўчирувчи томондан муайян тафтишдан ўтказилиб, ўзгартирилиб кўчирилиши ёки чоп қилиниши мумкин. Масалан, Низомий Ганжавийнинг "Ҳафт пайкар" достони кўчирган котиб Ислом донишнинг

суниятлик мазҳаби билан боғлиқ баъзи ўришлардаги исм, тушунчаларини ўзи исломнинг шиялик мазҳабига маъсуб бўлганлиги учун шу мазҳабга хос исм ва тушунчалар билан ўзгартириб кўчирган. Бу ҳол шиялик давлат дини деб тан олингандан кейин қилинган (қarang: Бертельс Е.Э. Низами и Фузули. М., 1962., С.462).

Автоцензура - асарнинг муаллифнинг ўзи томонидан цен тра қилиниши. Муаллиф асарини кўчирини ёки нашрга тайёрлаш мобайнида давр ва шароит тақозосига кўра ўзи цензура қилиб ўзгартиради. Масалан, Абдулла Қаҳҳор ўзининг "Сароб" романининг дастлабкисидаан кейинги иккинчи ва учинчи нашрларини сиёсатдан келиб чиқиб, аввалги нашрга нисбатан бирмунча ўзгартириб чиқартирган. Натижада, романинг уч наشري орасида тафовутлар кўпайган (қarang: Кўчқоров Р. Уч "Сароб" // "Ёшлик". 1986, 6-сон).

КЎЧИРМА НУСХАНИ АНИҚЛАШ ВА МАТН

ТАСНИФИ

Матн тарихини ўрганиш учун кўлэзманинг ижодкор оригинал матни - ўзи ёзган ёки унинг назорати остида яратилган матн билан муносабатини аниқлаш керак. Лекин кўлэзманинг муаллиф матни билан муносабати, унинг қачон, қайси матн асосида кўчирилганлигини аниқлаш осон масала эмас. Чунки кўлэзмада бу ҳақда маълумотлар деярли берилмайди. Айниқса, баъзи машҳур асарларнинг юзлаб нусхаларда кўчирилгани матншунос олдида мураккабликлар тугдиради. Бунда кўлэзманинг кўчирилган даврини топиб, унинг турли хусусиятларини аниқлаб бориш билан иложи борича мукамал нусхани тиклашга ҳаракат қилинади. Адиб ёзан асарнинг асл матни йўқ вақтда ижодкор даврага яқин вақтдаги кўчирма нусханинг аҳамияти катта. Лекин матншунослик учун кўлэзманинг асар яратилган даврга яқин бўлиши ҳамма вақт ҳам унинг аҳамиятини оширавермайди.

Шу жараёнда матншунос кўлэзmani таснифлаб чиқади. Таснифлаш икки турда бўлади:

1) тарихий тасниф. Бу тасниф матн тарихига оид маълумотларга асосланади. Булар: кўлэзманинг яратилиш даври, кўчирилган ўрни, кўчирувчи котиби ва ҳоказо. Тарихий таснифда агар маълумотлар етарли бўлмаса гипотезалар билан иш кўрилади.

2) шаклий тасниф. Бунда кўлэзма ташқи белгиларига қараб таснифланади. Масалан, кўлэзма сажифаларининг сони, қоғози, муқоваси ва матннинг жойлашishi, сиеҳи ва бошқалар.

Шаклий тасниф тарихий таснифга оlib боради ва уни тўқдиради.

МАТН ЯРАТИЛГАН ЗАМОН ВА МАКОННИ АНИКЛАШ

Матн тарихини ўрганишда, даставвал, матннинг яратилиш мақоми ва замони, унинг муаллифи қимлигини аниқлаш муҳим. Шарқда адиблар асарларида унинг яратилиш даври ва жойи ҳам кўрсатиб берилган. Аммо бу маълумотлар аниқ кўрсатилмаслиги ҳам мумкин. Бунда асардаги тарихий воқеа, жой номлари ёки бошқа билвосита маълумотларга, жуда бўлмаганда, кўлэзманинг ташқи жиҳатлари - қоғози, муқоваси ва бошқа билвосита маълумотларга, қараб ҳам уларни билиб олиш мумкин. Кўлэзма сўғида колофонда ҳам матннинг кўчирилиш тўғрисида маълумот берилиши мумкин. Бироқ ҳамма кўлэзмада ҳам колофон берилавермайди.

Шу ўринда икки жиҳатни аралаштирилмаслик керак: матн яратилган давр ва кўлэзмани кўчирини муддати бошқа-бошқа нарсалардир. Матннинг яратилиши унинг муаллифи-ижодкор билан боғлиқ тушунга, кўлэзмани кўчирини белгилани, бошқа кўлэзмалардан нуска кўчирини эса, ҳам холда муаллиф билан, асосан, котиб ва хаттотлар билан боғланган. Матн тарихини учун ҳар иккиси - асарнинг матни тушунилгани (автор иштирокида) ва унинг яратилиш кўчирилиши (асосан котиблар томонидан) муҳим.

Матн яратилиши мақом-жойини аниқлашда ҳам унинг ўзининг маълумотларига асосланади. Адиб матни ёки уни кўчирини олиб қўлэзмада бу маълумотлар аниқ кўрсатилгани билан улар билвосита аниқлигини мумкин (муаллиф ёки хаттот ишлаган жой ёки давр билан...) аниқлаш мумкин.

МАТНИИ НАШР ЭТИШ ВА НАШР ТУРЛАРИ

Шарқ адабиёти матншунослигидаги бош мақсад, матннинг муаллиф яратган кўринишига шожан борича яқин ҳолатда нашр этишдан иборат. Чунки матннинг қўлёзма шаклида қунайгирилиши матннинг бирмунча ўзгаришига сабаб бўлади. Ани шу матн олимлар ва оддий китобхонларга турли нашрлар асосида етказилади. Нашрлар хусусиятига кўра бир неча турларга ажратилиши мумкин:

1. Аслият матнidan нусха кўчирилган нашр.
2. Аслият шрифти (хатини) сақлаган нашр.
3. Транскрипцион нашр.
4. Транслитерацион нашр.

1. Аслият матнidan нусха кўчирилган нашрга матнни асл кўринишини сақлаган, яъни ҳужжатли нашр киради. Бу турни ҳужжатли нашр деб аташ мумкин.

Ушбу турдаги нашр факсимиле ёки фото нашр бўлиши мумкин. Факсимиле қўлёзманинг ҳар бир саҳифасини асл ҳолатда акс эттиришидир. Бунга фото орқали нусха кўчириб эришиш мумкин. Факсимил нашрнинг энг асосий хусусияти шуандаки, бу нашрда матн акс этган мақбанинг ҳамма жиҳатлари (саҳифаларнинг кўриниши, улардаги жамики расм, ёзув ва белгилар...) аслида қандай бўлса худди ўзидагидай яққол кўришиб туради. Масалан, Л. Дмитриева Навоий девонининг факсимил нашрини амалга оширган, (А. Навоий, Девон., М., 1964.). Навоийнинг "Илк девон"ини Х. Сулаймонов факсимиле ҳолида нашр эттирган. Ҳужжатли нашрга яна С. Ғаниева томонидан тайёрланган Навоий "Бадоеъул бидоя" девонининг Эрон нусхасини ҳам киритиш мумкин (Навоий дасхати. Тошкент, 1991).

Ўзбек мумтоз адабиёти матиларининг юқоридаги нашр турлари муҳим илмий аҳамиятга эга бўлиб, илмий-академик нашрнинг гужудга келишига замин яратди.

2. Аслият шрифти (хатини) сақлаган нашр. Бу нашр турида аслият ёзуви сақланади ва унга асарнинг йишма-танқидий, илмий-танқидий матни ва

тошбосма наслрлари кирини мумкин. Шоир дастхати мавжуд булмаган вақтда, матннинг шоир яратган кўришсини тўлиқ тиклашнинг имкони йўқ. Матн муаллифи назорати остида кўчирилган кўлёманинг ҳам аҳамияти катта, аммо асар матни кўчирилиб боргани сари ўзгариш ва хатоларнинг кўпайиши табиий. Шу боис, шоир яратган матнга иложи борича яқин бир матн яратилганда интилиш матншунослик олдидаги бош разифа ҳисобланади. Бундай маъна бир неча аҳамиятли кўлёмалар асосида чоғиштириб яратилади ва йигма - танқидий матн деб аталади.

Йигма - танқидий матни тузишда асарнинг муаллиф яратган ёки у яратган нусхага энг яқини асос қилиб олинади. Бунда асар яратилган даврдан узоқроқ, аммо матн мукаммал, сифатли ифодасини тошган кўлёмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Йигма-танқидий матнга "Маҳбубул-қулуб" асари (М., 1948) матни наслрини мисол қилиб олиш мумкин. Йигма-танқидий матн муаллиф дастхати ёки муаллиф назорати остида кўчирилган кўлёма мавжуд бўлмаган ҳолда амалга оширилади. Бундай матн муаллиф яратган асл матнни яратган йўлидаги бир босқичдир. Муаллиф дастхати ёки муаллиф назорати остида кўчирилган кўлёма мавжуд бўлганида энди илмий - танқидий, яъни, муаллиф яратган матнга энг яқин матн тўғрисида гапирини мумкин. Бироқ илмда бу соҳадаги фикрлар турлича бўлиб, йигма-танқидий матн ва илмий-танқидий матн тушунчаларини бирлаштириб юборини ҳоллари ҳам мавжуд. Ўзбек матншуноси П. Шамсиев Навоий "Ҳайрат ул аброр" достонини олти ишончли кўлёмасидан фойдаланиб, унинг илмий-танқидий матнини яратган. Уларни шартли тарзда ҳарфлар билан белгиллаган :

- А - Абдулжамил котиб кўлёмаси. (Абдулжамил Навоийнинг шахсий котиби бўлган).
- Б - Султон Али Машхадий кўлёмаси. (Султон Али Навоийнинг шахсий котиби, машхур хаттот бўлган).
- В - XVI аср Тошкент кўлёмаси.
- Г - XIX аср Ленинград кўлёмаси.
- Д - Ленинград миниатюралар кўлёмаси.
- Е - Қозон университет кўлёмаси.

Хар бир кўлёмани харф билан белгилашдан мақсад, уларни вариантлар қисмида ифодалалдир ("Вариантлик" бўлигига қаранг). П.Шамсиев яна "Фарҳод ва Ширин" ва "Сабъан сайёр" достонлари илмий-танқидий матнини ҳам яратган, яна таъкидлаш керакки, илмий танқидий матн ана шу матн яратилган ёзувда (юқоридаги мисоллар учун эски ўзбек ёзувида) берилгани шарт. Чунки транслитерация жараёнида асл матн ёзуви хусусиятлари бошқа ёзувда ўзининг тўлиқ ифодасини тошмаслиги мумкин.

Тошбосма (литографик) нашр. 1874 йилдан Туркистонда тошбосма усулида китоб нашр этиши бошланди. Бу дастлабки тошбосма матбиа Хива хони Муҳаммад Раҳим II саройида ташкил этилган. Тошбосма нашр учун матн, аввалига эски ўзбек ёзувида кўлда махсус қоғозга кўчирилган. Ундан эса тошқолига кўчирилган. Тошқолини билан 500-600 нусхагача китоб босиши мумкин бўлган. Тошбосма нашр Туркистондаги дастлабки типографиялардан бўлиб, асарнинг кўлёмасига нисбатан бир неча барқ бар тезроқ тарқалишини таъминлаган. Тошбосма нашр учун матн тайёрлашда жаттот кўлёмаларни маълум даражада ўрганиб, уларнинг ишончликлари асосида тошбосма учун матн тайёрлаган ва муайян матншунослик фаолиятини олиб борган. Тошбосма нашрларга халқ достонларининг кўплаб нашрларини мисол келтириши мумкин.

3. Транскрипцион нашр. Юқоридаги нашр турида аслият ёзуви сақланган бўлса, бу турда аслият тилини акс эттириши мақсад қилиб олинади. Ўзбек мумтоз адабиёти манбаларининг транскрипцион нашрлари асосан икки жил ёзувда берилади:

1. Латин ёзувида
2. Кирилл ёзувида.

Транскрипцион нашрга Қ. Каримов томонидан тайёрланган Юсуф Хос Ҳожибининг "Кутаду билиг" достони (Тошкент, 1971) нашри ва Қ. Махмудов тайёрлаган Аҳмад Югнакийнинг "Ҳайбатул хақойиқ" асари (бу нашр муаллифининг "Аҳмад Югнакийнинг "Ҳайбатул хақойиқ" асари ҳақида" (Тошкент, 1972) китобига киритилган) нашрини мисол билан олиши мумкин. Транскрипцион нашр кўпроқ тилшуносларга мўлжалланади.

4. Транслитерацион нашір. Бу нашірда матниниң аслиятдаги ёзуви бошқа ёзувга ўгириб берилади. Ушга ҳозирги кундаги ёзувимизда нашір этилган классикларимиз мероси жой олган барча китобларни мисол қилиб келтириши мумкин. Агар юқоридаги нашірлар фақат олимларга мўлжалланиб, матниниң турли жиҳатларини илмий томондан кузатиш имкониятини яратса, транслитерацион нашір оммабон ҳам бўлиши мумкин. Шунга кўр, бу турдаги нашір яна академик нашір ҳам бўлиши мумкин. Академик нашір - муайян ижодкор меросини тўлалиғи, мавжуд маълумотлар, матн ва қўлёзмалар асосида, изоҳ ва кўр атичлар билеи нашір қилиниди. Бизда Ойбек, Ҳ.Олими эн, Ҳамза ва Ғ.Ғулс меросиниң академик нашіри амалга оширилган. Академик нашір олимларга мўлжалланади. Унинг асосида асарниң илмий-оммабон нашіри - оддий китобхонларга мўлжалланган нашіри ва бошқа турдаги соддароқ нашірлар амалга оширилади. Академик нашірни бошқа нашірлардан ажратиб турувчи энг асосий хусусияти унда муайян асар, унинг вариантлари, яратилиш тарихи ҳақидаги бор маълумотларниң берилгани ва, умуман, илмий-техник аппаратиниң кучли бўлиниди. Нашірлардаги илмий-техник аппарат нашірдаги матнини ўқувчиға изоҳлаб тушунириб етказишга хизмат қилувчи воситалардир. Уларга асардаги баъзи ўринларни тушунирувчи изоҳлар, қийин сўзлар лугати, номлар ва атамалар кўрсаткичи кириши мумкин. Масалан, Навоиниң "Ҳазойидул маоний" девонини нашір этиган Ҳ.Сулаймонов сўнги, тўртинчи девон - "Ҳазойидул жибор" ниң охиридаги "Илова" қисмида изоҳ ва кўрсаткичларни келтирган.

II ҚИСМ

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИДАГИ МАТН УСТИДА ИШЛАШ

МАТНШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ

Матншunosлик билан шуғулланаётган талаба юқоридаги қисмда берилган энг умумий маълумотларни ўзлаштириб бўлгач, амалий ишга киришади. У ўзинг учун керакли бўлган матн ўрин олган кўлёмалар билан тафсилатг учун улар сақланадиган фондга боради. Фонд - кўлёмалар ва тошбосмаларнинг сақланиш жойи. Асар матни кўчирилган кўлёмалар ҳам, улар сақланадиган фондлар ҳам бир нечга бўлиши мумкин. (Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшunosлик институти энг Кўлёмалар институти фондлари ва бопқалар). Муайян асар матни қайси фондда сақланишини билганиг учун матншunos, албатта, бевосита фонднинг ўзинг бориши шарт эмас. У фонд каталогинг наشري (фондда сақланувчи асарлар рўйхати берилган китоб) дан фойдаланишинг ҳам мумкин. Масалан, Шарқшunosлик институтида сақланадиган кўлёмалар манбалар ҳақидаги қисқача маълумотни “Собрания Восточных рукописей АН РУ” (қисқартириб “СВР” деб аташади) деб номланадиган II томлик наширдан энг Кўлёмалар институтидаги ҳар бир манбага доир ахборотни “Католог фонда институтга рукописей” (бу каталогнинг ҳозирча икки томни чиққан) асаридан олиши мумкин. Матншunosлик тадқиқотлари осон бўлиши ва умуман, кўлёмаларни илмий муомиллага олиб киришиг учун бу институт ходимлари манбаларни тавсифлаб чиқадилар. Тавсифлаш - муайян манба ҳақида қисқача маълумотнома беришидир. Биз юқорида матншunosликг учун манбашunosлик хизмат этишини таъкидлаб ўтгандик. Ҳар бир матншunos, дастлаб, манбашunosликдан хабардор бўлмоги зарур. Ана шу жараённинг бевосита амалиёти қай асосда бўлишини билганиг учун биз манба тавсифи тартиби билан тавсифлаб ўтамиз. Тавсиф қуйидагича бўлади:

Инвентарь рақами (яъни, фонддаги сақланиш рақами)

Араб алифбосидаги асар номи.

Рус алифбосидаги асар номи.

Асар муаллифи ҳақида маълумот: муаллиф ким, у қачон ва қаерда яшаган. Унинг исми тарифи араб алифбосида, сўнг ҳозирги алифбода, тутилган йили ва вафоти аввал ҳижрий, сўнг мелодий рақамда (ёки аср рим рақамида) берилди. Асар муаллифи қўлёзмада кўрсатилмаган бўлса, бу ҳақда айғиб ўтилади. (Лекин имкони борида, бошқа манбаларни қиёслаш воситасида матн муаллифи аниқланиши ва тавсифда қайд этилади.)

Асар ҳақида қисқача маълумот: умумий сақланиш ҳолати (тўла ва мукаммал эмаслиги), қоғози ва сиёҳи, хат услуби ҳақида маълумот берилди, сўнг ёзув тартиби, жойланиши, безаклари, унвон ва колофонлари ҳақида сўз боради. Нухса муқоваси, ундаги муҳр ва ёзувлар ҳақида таширилади. Агар мажбул бўлса камчиликлари ва ўзига хос боғқа аломатлари айтилади. Нухсанинг кўчирилиши тарихи ҳижрий ва мелодий рақамда (дроб билан) берилди, котиб номи аввал араб алифбосида сўнг ҳозирги алифбода ёзилади.

Сўнги маълумотлар: varaқлар сони ва китоб формати берилди. Агар асар китобнинг ўртасида жойлашган бўлса varaқлар сони берилди ва қавс ичида қайси саҳифадан бошланиб қайси саҳифагача давом этиши кўрсатилади. Форматларда аввал кичик рақам, сўнг катта рақам ёзилади. Асарнинг бошланиши (асарлар асосан бисмиллоҳ билан бошланади) ва охиридан бир қумла, ё шеърлардан бир мисра олинади. (Бунда асар охиридаги котибнинг сўзлари тушиб қолади).

Няхот, жадон қўлёзма фондларидаги маълумотлар билан тўлдирилади.

АСАРНИНГ БОШҚА НУСХАЛАРИ ҲАҚИДА

(җша асар)

Асарнинг араб ёзувидаги номи

Бу нусханинг таркиб ва мазмун жиҳатдан аввалги нусха билан бир жиҳати, фарқи бўлса, қай даражада эканлиги ёзилади. Аммо автор ҳақида маълумотлар ёзилмайди. Асар қачон, қаерда ва ким томонидан кўчирилгани кўрсатилади.

Нусха ҳолати ва бошқа маълумотлар аквалгидек кўрсатилади.

Эслатма:

1. Илмий тавсиф асосида китобда бор маълумотлар ёзилади, йўқ маълумотлар ёзилмайди. Масалан, котиб исми, кўчирилган жойи, муқоваси йўқ бўлса, таъкидлаб ўтирилмайди. Китобнинг таъминий кўчирилган асри кўрсатилгани маъқул.

2. Бир асар такроран тавсифланганда “Ўша ас. р” деб кўрсатилади. Аммо қавс ичида китобнинг номи ёзилмоғи шарт.

Асар тавсифлаб бўлингандан сўнг, тартиблангитирилиб, каталоглар яратиш учун ишлатилади. Каталогда тавсифдаги маълумотлар ихчамроқ тарзда берилди.

Энди кўлёмалар институти фондидаги Алишер Навоийнинг “Мажолисун нафонс” асари нусхаси фонд каталоги наприда қандай берилганлигини намуна тарзида келтирамиз (қаранг: Каталог фонда институтга рукописей. Т.1, Ташкент, 1989, С.52-53).

مجالس النفايس

429

Нафисе мажлислар

Алишер Навоий машҳур тазкирасининг муътабар нусхаларидан бири. Тошилик ўрнига кўра ушбу кўлёмма Қўқон нусхаси номи билан аталади. Настаълиқ ёзувида ҳаттотлик санъати билан XVI асрда кўчирилган. Матн қорада, сарлавҳалар эса қизил сийёҳда ҳар бир саҳифага 15 қатордан битилиб, зарҳал ҳошияга олинган. Матндаги шеърини нарч-тария ажратилиб белгилари - مطلع “матлаъ” ва بيت “байт” сўзлари қизил ва яшил сийёҳ

билан ажратиб кўрсатилган. Биринчи бетда олтинранг қуёш тасвири, иккинчи бетда асар бошланишидан олдин бўлса, заржал ва бошқа ранглар билан битилган унвон мавжуд. Қўлёзма титилиб бирмунча эскирган. Муқобаси кейинчалик картондан ишланган. Қўчирилиш санаси 999 (1588 йил. Котиби XVI асрнинг машҳур хаттотларидан бўлиши

محمد و انبرين زرين قلم

Махмуд Анбарини Зарринқалам, 16x23 см ҳажмидаги 88 варақдан иборат

СВР. 1. 127. № 304-305; У. 77-78. № 3570

ЎША АСАР

1435/II

Матншунос фонд каталоги напридан фойдаланмасдан туриб, бевосита фонднинг ўзига бориб ҳам муайян асар қўлёзмасини картотекадан излаб топиши мумкин. Картотека - тавсифдаги маълумотларнинг қисқа, лўнда шаклда карточкаларда ифодаланиши. Картотекадан худди кутубхонадаги китобларни излагандек асар қидариб топ. ади. Лекин оаъзи асарларнинг муаллифи аниқланмаган бўлиши ёки умуман, матншуноснинг қўлидаги маълумотлар етарлига бўлмаслиги мумкин. Мана шуларни назарда тутиб, иш осон кечishi учун картотекада ҳар бир асар бир неча хил ёндашувда кўрсатилади. Картотека араб алифбоси тартибида, қўлёзма ёзилган ёзув ва тилда битилади. Картотека қўлидаги турларда тузилган бўлиши мумкин.

1. Асар муаллифи бўйича картотека.

Буада асар муаллифининг исми шарифи бўйича асар изланади.

2. Асар номи бўйича картотека. Энди асар номланганини билдиб оқ узи излаш мумкин бўлади.

3. Асарнинг фонддаги санқланиш рақами (инвентарь рақами) бўйича картотека. Бу рақамни биллиш билан асарни излаб топиши мумкин.

4. Мавзулар бўйича картотека. Асар муайян мавзулар бўйича изланади

Ҳар бир асар тўғрисидаги маълумот қўлидаги карточкага ёзилган бўлади:

اسر

مؤلف

کاتب

کتابت پبی

پیری

خطی

تیلی

ورنی

سطری

اولچاوی

بیزاکی

نقصانی

429

مجالس النفایس

اثر

علی شیر نوایی

مؤلف

محمود عثمانی زربین قلم

کاتب

کتابت پبی

پیری

خطی نستعلیق

تیلی اوزبیکچه

ورنی

88

سطری

اولچاوی

بیزاکی

نقصانی

Матннинг имло хусусиятлари ҳақида

Эски ўзбек ёзувида битилган кўлёмалардаги сўзларнинг имло хусусияти билан боғлиқ ўзига хосликлар матншуносга маълум бўлиши лозим. Шунинг ҳисобга олиб биз матннинг имло хусусиятлари ҳақида бирмунча маълумот бермоқчимиз.

Сўздаги ҳарфларнинг ўқилиши. Бу ҳолат араб тилида бўлмаган, лекин форс (ёки туркий) тилида мавжуд товушларнинг дастлабки даврда алоҳида ҳарф билан ифода этилмаганлиги билан боғланган. Форс алифбосида араб алифбосида мавжуд бўлмаган тўрт ҳарф бор.

А, б алифбоси қабул қилинган дастлабки даврларда форс тилидаги п, ч, ж, г, товушлари араб тилида бўлмаганлиги учун улар араб ҳарфларига қўшимча белгилар қўйиб орқали ифодаланаверган:

“п” товуши  - (бе),





“ч” товуши  - (жим),

“ж” товуши  - (зе),

“г” товуши  - (ко’ф) ҳарфлари

билан белгиланган. Кейинчалик эса, бу тўрт товуш учун ҳарфларнинг арабчадаги асосий шаклини сақлаган ҳолда, турли белгилар орттириб янги ҳарфлар яратилган. Шунга қарамай, форс ва туркий тилдаги кўлёмаларда, гарчи, бу тўрт товушнинг ўз ҳарфий ифодаси мавжуд бўлса ҳам, араб ҳарфларидаги кўринишида ёзавериши ўринлари ҳам учраб туради. Натижада,


п -  → , ж -  → .

ч -  → , г -  → .

кўринишида ёзилиши, товушнинг икки турдаги ҳарфий ифодаси ҳам бирдек қўлланавериши мумкин. Аммо бу ҳолат бошқа жиҳатни вужудга келтиради: котиб ана шу тўрт ҳарфни қўллаб ҳам сўзни ёзиши мумкин бўлган. кабиларни ўрнига қараб тўғрилаб ўқиш лозим бўлади.

Масалан:  →  - чарх,  →  - гул

Матншунос уларни контекстга асосланиб тез ажрата билиши керак.

Сўздеги ҳарфларнинг ўқилиши учун қўшимча белгилар. Ҳар бир кўлёмалардаги айрим ҳарфларнинг ўқилишини осонлаштирмоқчи бўлади. Масалан, -хуси . Бу сўздаги “ҳе” ҳарфи устига насл белгиси қўйилган, дейлик. Бундан мақсад “ҳе” ҳарфини адаштирмасдан ўқилишини таъминлаш бўлган. Бутун кўлёмалар давомида котиб бу белгиларни муттасил қўйиб боргани ёки баъзи қиёби ўқилувчи ўринлардагина қўлланиши мумкин.

Юқорида сўзларнинг кўлёмалардаги ўқилишига оид хусусиятлар эски ўзбек ёзуви бўйича бизнинг одатий кўлёмаларимизга қўшимча равишда бўлиб, кўлёмаларни ўқувчи киши учун билганини қоят зарурдир. Матншунослар эса уларни яхши ўқитиб, ўрнида тезда аниқтай билишлари керак.

Эски ўзбек ёзувидаги харфларнинг
кўлёзмадаги шакли ва хусусиятлари

Кўлёмаларнинг ёзув шакли бирмунча ўзига хос. Эски ўзбек ёзувини ўрганаётган бутунги кун ўқувчисидан тортиб то олий ўқув юрти талабаларигача, асосан, бу ёзувнинг босма ёки донадор қилиб ёзилган кўринишини ўзлаштирмоқдалар. Лекин кўлёмаларни ўқиш учун бу ёзувни жўн даражада билишнинг ўзи етарли эмас. Шу боис, биз эски ўзбек ёзувини содда матнлар орқали ўрганган талабаларга унинг кўлёмалари қандай ўзига хослик касб этиши ҳақида айрим, умумий маълумот бермоқчимиз.

Кўлёмалар хати, асосан, ўтмишда кенг тарқалган настаълик деб аталувчи ёзув услубида бўлган. Қисман насх, баъзида настаъликда шикаста хати элементлари муштаракликда ишлатилиши ҳоллари учрайди. Кўлёмани кўчираётган хаттот ёзувнинг чиройли чиқишига эътибор берган. Чиройли, нақшикор қилиб ёзиш санъат даражасигача кўтарилган, хаттотлик санъати ривожланган. Бироқ бундай матнларни тўғри ўқиш болса ёзувда хат савод чиқарган бутунги кун ўқувчилари учун осой эмас. Хатто, эски ўзбек ёзувини кўлланма ва дарсликлардан ўрганган замондошлари из ҳам эски ўзбек ёзувидаги кўлёмани бемалол ўқиб кетавермайди. Сабаби, ҳозирги ёзувда босма ва ёзма харфлар фарқланганидек, кўлёмаларда ҳам харфлар баъзи ўзгаришларга учрайди. Муайян тайёргарлик, кўзини ўргатиш орқали кўлёмани ўқиш малакасини ҳосил қилиш мумкин. Ушбу кўлланма эски ўзбек ёзувини бирмунча билувчи талабаларга мўлжаллаб яратилгани учун бу ёзувдаги ўртача соддаликдаги матнни ўқий оладиган талабаларни ҳисобга олиб фикримизни бериб борамиз.

Энди эски ўзбек ёзувидаги харфлар ва уларнинг айрим кўринишлари кўлёмалари қандай тарзда сезиларли ўзгаришларга учраши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

1. | - алиф харфи ёлғиз ҳолда | ёки | кўринишда ёзилиши мумкин.

Қиёслани: $\text{احوال} \rightarrow \text{احوال}$ - аҳвол

2. ب (бе), ت (те), ث (се) харфлари ёлғиз ҳолда ё и сўз охирида келганида настаълик ёзувигача мослаб ёки матн ёзилаётган қаторни тўлдирини учун чўзиброқ ёзилиши мумкин.

$\text{آت} \rightarrow \text{آت}$ - от
 $\text{بخت} \rightarrow \text{بخت}$ - баҳс

3. ج (жим), چ (чим)

харфларнинг асоси бўлиши шакли сўз бошида, баъзида ёлғиз ҳолда оралиги ёпиқ ҳолда берилиши мумкин.

خ (хе), ح (хе) - жаҳон - жаҳон - хат - خط - خط

4. (дол) ҳарфи кўлэзмада - "вов", ҳатто баъзида - "ре" ҳарфига ўхшаб кетиши мумкин.

К: آى دورور - ойдуруп

Бунда ҳарфларнинг жойлашиш ўрни ("дол" ҳарфи "ре" ва "вов" га нисбатан юқорироқдан ёзилади), мазмунига қараб уларни тўғри ўқиш зарур бўлади

5. "син" ва ش - "шин" ҳарфлари, тишсиз, тўғри чизик шаклида чўзиб ёзилиши мумкин:

س - олмос, تا سکنو - Товиканд

Лекин шунинг унутмаслик керак-ки, ҳамма ўзинг чизиклар ҳам "син" ҳарфини билдиравермайди. (Бу ҳақда кўйироқда матн ва унинг кўлэзмадаги ифода ланишига оид ўринда гапириб ўтамиз).

6. "сод" ва ص - "зод" ҳарфлари сўз бошида "хе" ва ض - "хе" ҳарфларига ўхшаб кетиши мумкин.

К: ح -> ح, ض -> ض

Бунда сўз бошидаги "сод" ва "зод" ни айлана белгиси ашиқроқлиги ва ундан кейин келиб, кўлэзмада сезиларсиз бериладиган тишига қараб ажратиш мумкин бўлади. Контекст қай тарзда ўқиш кераклигига ёрдам беради.


К: ضرور - зарур

Яна "од" ва "зод" ҳарфлари ёлғиз ҳолда ва сўз охирида настаъвоқда битилган матнда шикаста ёзувига хос услубда берилиши мумкин.

К: پياض - پياض

7. "айн" ва ع - "гайн" ҳарфлари сўз ўртасида ораси ёпиқроқ тарзда ёзилиши мумкин:

مغفور - مغفور - мағрур

Бунинг оқибатида у сўз ўртасидаги "фе" га ҳам ўхшаб кетади. Лекин "айн" ва "гайн" ҳарфларининг қирралари бор:  Бироқ, сикҳ билан ёзилиши улар сезиларсизроқ бўлиб қолади.

Қ: *معنوی* → *مغوی* - маънавий

8. *م* - “мим” ҳарфи сўз боши ва ўртасида ажратиб олиши бироз қийинлашади. Котиб ёзаётганда унинг ўртаси ёшиқ ҳолда берилиши мумкин.

Қ: *حمد* - ҳамд, *مکتوب* - мактуб

Лекин “мим” ни сўз ўртасида ёзаётганда ўзидан олдинги ҳарф билан уланиш жойида кичик тўлқинча ҳосил этилади. Бундан мақсад, айнан бу ҳарфни илғаб олишни осонлаштиришидир.

Қ: *سليمان* - Сулаймон

9. *ن* - “нун” ҳарфи алоҳида кўринишида ёки сўз охирида шикаста хати услубида келиши мумкин.

Қ: *السمان* - осмон, *من* - ман

10. - “ной” ҳарфи ҳам сўз охирида шикаста услубида ёзилиши мумкин.

Қ: *نحو* - и, *نای* - бой

Аmmo уни юқоридаги “нун” нинг ёзилиши билан аралаштириб юбормаслик керак. Чунки “нун” ва “ной” нинг кўрилишидан ҳосил бўлган “ни” кўриниши “нун” нинг шикаста услубидаги сўз охирида ёзилишига ўхшайди:

آسمان - осмон, *آسمان* - осмони

Бунда “нун” нинг остки қисми чўзиқроқ бўлса, уни - “ни” деб ўқиш жоиз.

Қ: *مکان* - макон, *مکان* - макони

11. *و* - “ҳойе ҳавваз” ҳарфи сўз бошида *و* ёки *و* остида тесқари вергул билан берилиши мумкин.

Қ: *هفت* ёки *هفت* - ҳафта

Сўз ўртасида *و* ёки *و* тарзида ёзилиши ҳоллари бор.

Қ: *مشهور* - машҳур - *مشهور*
مخر - меҳр -

Сўз охирида кичик тўлқинсимон шакл билан ифодаланиши мумкин.

Қ: *هميشه* - ҳамиша